

Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” акциядорлари диққатига!!!
Акциядорларининг йиллик умумий
йиғилишини чақириш тўғрисида

Сизни, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уйда жойлашган АТ “Алоқабанк” биносининг мажлислар залида 2019 йил 28 май куни соат 9:00да бўлиб ўтадиган АТ “Алоқабанк” акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига таклиф этамиз.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. АТ “Алоқабанк” акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил иш фаолияти якунлари бўйича банк Кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш.
3. АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил иш фаолияти якунлари ҳамда 2019 йилдаги устувор вазифалари тўғрисидаги банк Бошқаруви Раиси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил иш фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
5. АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил иш фаолияти якуни бўйича аудиторлик ҳисоботи.
6. АТ “Алоқабанк”нинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
7. АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил иш фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш.
8. АТ “Алоқабанк”нинг 2019 йил иш фаолияти якуни юзасидан аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш
9. АТ “Алоқабанк”нинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
10. АТ “Алоқабанк” Кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. АТ “Алоқабанк” акцияларини сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида.
12. АТ “Алоқабанк” Уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
13. АТ “Алоқабанк” Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида.
14. АТ “Алоқабанк”нинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
15. АТ “Алоқабанк” томонидан “Умидсиз” актив сифатида таснифланиб, банк балансининг “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларига ўтказилган қарздорликларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида.
16. “Tashkent city” халқаро ишбилармонлик марказида премиум А классдаги банк биносини қуриш тўғрисида.

17. “Tashkent city” халқаро ишбилармонлик марказида премиум А классдаги банк биносини қуриш учун Industrial and Commercial Bank of China (ХХР)дан кредит линиясини жалб қилиш бўйича шартномасини тузиш тўғрисида.

АТ “Алоқабанк” Кенгашининг 2019 йил 4 майдаги йиғилиши қарорига асосан акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2019 йил 22 май куни ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар рўйхати 2018 йил 6 май куни ҳолатига тузилади.

Банк акциядорларини ва мажлис қатнашчиларини рўйхатга олиш 2019 йил 28 май куни соат 8:00 дан 8:50 гача давом этади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда уларнинг вакилларидаан ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши маълумотлари билан Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уйда жойлашган АТ “Алоқабанк”да танишишингиз мумкин. Банкнинг электрон почта манзили: info@aloqabank.uz. Маълумот учун телефонлар: 71-232-83-67.